TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_


Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 6-noyabr / CHORSHANBA / № 88 (13747)

Зангиота: ЎТМИШИ УЛУҒВОР, ЭРТАСИ НУРЛИ

Зангиота Занги отадек пири комил ўтган табаррук маскан. Шу туманга ҳоким этиб тайинланганимда, рости, ҳаяжонландим. Ўзимда зангиоталикларнинг ишончини оқлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, умуман, халқни рози қилиш масъулиятини чуқур ҳис этдим. Туман аҳли илиқ кутиб олганидан менда ҳам уларга нисбатан меҳр уйғонди, ўзимда бир куч сездим...





Эркин РУСТАМОВ,
Зангиота тумани ҳокими

“Тошкент ҳақиқати” минбари



Ишни, албатта, туманни ўрганишдан бошладим. Ва мана иккинчи йил ҳудуднинг меҳнаткаш, танти халқи билан биргаликда туманнинг равнақи йўлида меҳнат қиляпман.

4



Вилоят бўйлаб



НУРАФШОН шаҳрининг «Янгиобод» маҳалласи ҳудудидаги 1 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонида 200 қатновли оилавий поликлиника биноси қурилади.



Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Нодир Хожиев **ТОШКЕНТ ва ЗАНГИОТА туманларидаги** маҳаллалар ёшлар етакчилари билан учрашди. Мулоқот давомида уларнинг фаолияти таҳлил қилиниб, келгуси вазифалар белгилаб олинди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги «Эгамберди карвон» ҳамда **ОҚҚЎРҒОН туманидаги** "Қорасироқ Агро Файз” фермер хўжаликлари дала майдонида 2025 йил ҳосили учун кузги шудгорлаш ишларини ташкил этиш бўйича семинар ўтказилди. Унда мутахассислар шудгорлашни сифатли бажариш борасида маслаҳат беришди.



ЧИНОЗ туманидаги 2-сонли касб-ҳунар мактаби ўқувчилари дуал таълим дастури доирасида қоп маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан яқиндан танишиб, иш жараёнини кузатишди.



БЕКОБОД шаҳар ҳокими Н. Бабаев шаҳар Халқ қабулхонаси вакиллари ҳамда мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирокида сайёр қабул ўтказди. Унда фуқаролар тиббиёт, кредит ва уй олиш, ишга жойлашиш, моддий ёрдам ва бошқа масалаларда мурожаат қилишди. Мурожаатлар ўрганишга йўналтирилди.

САКСОН ЙИЛНИНГ САРҲИСОБИ

Бекобод шаҳрининг “Металлург” стадионида Ўзбекистон металлургия комбинатининг 80 йиллиги кенг нишонланди.

Шукуҳ

Тантанали байрам тадбирида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этиб, бир гуруҳ соҳа ходимларини тақдирлади.


Маълумки, мазкур комбинат мамлакатимизнинг етакчи металлургия корхоналаридан бири бўлиб, 80 йил давомида кўплаб ютуқларга эришди. Айниқса, сўнгги йилларда корхонага замонавий технологиялар жорий қилиниб, ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Жумладан, ферроқотишмалар, пўлат симлар ва бошқа турдаги металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Бугунги кунда корхонада 9 мингдан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



Муносабат



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: ФАРОВОНЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Тошкент вилоятини азим пойтахтимиз дарвозасига қиёслаш ҳар томонлама тўғри бўлади. Чунки пойтахтга кираётган ҳар бир инсон, ҳар бир техника унга ёндош вилоят ҳудудидан ўтади. Бу вилоятнинг бошқа ҳудудларга қараганда биринчи устувор жиҳати.

Вилоят улкан саноат салоҳиятига эга. Ери, тупроғи унумдор, суви сероб, ўзига етарли. Гўзал табиати бор. Булар – ҳудуднинг иккинчи устувор томони. Пойтахтга ҳудудий жиҳатдан яқинлик, қулай инфратузилма, катта ишлаб чиқариш имконияти, албатта, ҳудуд салоҳиятида ўз аксини топиши керак.

Кейинги йилларда вилоятда тадбиркорлик, саноатнинг янги йўналишларини ривожлантиришга, одамларни ишли қилишга, даромадини оширишга, маҳаллаларни обод масканга айлантириш ва камбағалликни камайтиришга катта эътибор қаратиляпти. Булар яхши, албатта. Лекин ҳали қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Бугун эришилаётган натижалар мақтанишга арзирли эмас. Бу жиҳат Президентимизнинг жорий йил 14-15 октябрь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида янада яққолроқ намоён бўлди. Тўғрироғи, давлатимиз раҳбари ташриф асносида эришилган натижаларга маҳлиё бўлиб эмас, келгуси режалар, амалий ҳаракатлар билан ишлаш, Ватан тақдирини ўз тақдири деб билиш зарурлигини барчамизга яна бир бор эслатиб, тегишли йўл-йўриқларни кўрсатиб, топшириқлар берди.



2







3



Ҳурматли газетхон!


Обуна – 2025

“Тошкент ҳақиқати” газетасига 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!

Нашр кўрсаткичи – 205.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: ФАРОВОНЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ташриф давомида вилоят иқтисодиёти ривожи ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган қатор лойиҳалар кўздан кечирилди, уларнинг айримлари шу жойнинг ўзида фойдаланишга топширилди. Лекин нима учун оилаларни камбағалликдан чиқариш, даромадини ошириш, шу ерда ҳам топиш мумкин бўлган пул учун чет элларда ишлаб юрган юртдошларимизни қайтариш, уларга иш топиб бериш масаласида ҳудуд оқсаяпти? Ёки вилоят аҳли мавжуд катта захира – ердан нега етарлича фойдалана олмаяпти?

Фаоллар иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда оилаларни камбағалликдан чиқариш, четда кам даромад эвазига юрган меҳнат мигрантларини юртимизга қайтариш ва уларни муносиб иш билан таъминлаш бўйича вилоятда ҳозиргача амалга оширилган ишлар танқид қилинди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича дастурий режалар ва аниқ топшириқлар берилди.

Уларнинг ижросини таъминлаш учун айни пайтда вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, айни шу мақсадда ташкил этилган ишчи гуруҳ ўрганишлари натижасида аниқланган 63,7 минг ночор оиладаги 258 минг кишини камбағалликдан чиқариш чоралари кўриляпти. Бунинг учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича ҳудудий штаблар қайтадан ҳокимлар бошчилигида ташкил этилди.

Ҳар бир туман ва шаҳарлардаги оғир маҳаллаларга вилоят секторлари ҳамда иқтисодий комплекс раҳбарлари бириктирилиб, “оилабай” мониторинг тизими йўлга қўйилди.

Вилоят ва туман даражасидаги 1 минг 700 раҳбарга 5 тадан 20 тагача оила бириктирилди. Улар 1 ноябргача оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқиб, мавжуд имкониятларни ишга солиш орқали камбағалликдан чиқариш чораларини кўради.

Шунингдек, одамларнинг ўзига ишончини ошириб, меҳнат қилиш, касб ўрганиш, билим олиш ва тадбиркорликни бошлашига кўмаклашади. Мисол учун, Юқори Чирчиқ туманидаги “Sof gigiyenik” корхонаси ўз ташаббуси билан камбағал оилалар аъзоларининг 100 нафарини дастлабки босқичда дуал таълим асосида касбга ўқитиб, ишга олишни режа қилган. Ойлик маоши бошланишига 3-5 миллион сўм этиб белгиланади.

Бундан ташқари, дастур ижросини тўлиқ таъминлаш ва яратилган имкониятларни ишга солиш орқали йил якунига қадар 18,3 мингта оила (75 минг аҳоли) камбағалликдан чиқарилиб, вилоятда камбағаллик даражаси 8,4 фоиздан 7 фоизга туширилиши белгилаб олинди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Бунда қуйидаги йўналишдаги имкониятлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади:

биринчидан, барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш орқали 30 минг камбағалнинг (шундан 16 минг нафари тадбиркорлар билан ҳамкорлик, 2,5 минг нафари драйвер лойиҳаларни амалга ошириш, 7,2 минг нафари тадбиркорликка жалб этиш, 8 минг нафари эса ерни ижарага бериш орқали) бандлиги таъминланади;

иккинчидан, вилоятдаги мавжуд 5 та касбий кўникмалар ҳамда хусусий ўқув марказида 8 минг киши (бунда камбағал оилаларнинг 1,7 минг фарзанди мактабгача таълим билан қамраб олинади, 300 нафари ахборот технологиялари курсларига жалб этилади, 2,3 минг нафари касб га ҳамда 3,9 минг нафарига хорижий тиллар ўргатилади) ўқитилади;

учинчидан, 17 минг фуқарога кафолатланган тиббий хизматдан, 7,7 минг шахсга ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилади;

тўртинчидан, 1 минг 18 оилага шароитидан келиб чиқиб уй-жойлар қуриш, субсидия ажратиш, қуёш панеллари ўрнатиб бериш чора-тадбирлари белгиланади;

бешинчидан, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, вилоятдаги камбағаллик юқори 76 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш ҳисобига аҳоли даромади оширилади. Ҳозир ушбу йўналишда ўрганишлар давом эттирилмоқда. Натижада 49 та маҳаллада 10 мингдан ортиқ хонадоннинг суғориш, 55 та маҳаллада 13 мингга яқин хонадоннинг электр энергияси билан узлуксиз таъминоти, 17 та маҳаллада 3,3 минг хонадоннинг интернет тармоғи яхшиланади, 100 километр ички йўл таъмирланади.

Ҳозир вилоят аҳлининг 158 минги, яъни 5 фоизи бошқа мамлакатларга турли мақсадларда чиқиб кетган. Аниқроғи, уларнинг 97 минг нафари ишлаш, 5,7 мингги ўқиш, 6,3 мингги саёҳат қилиш, 1,1 мингги даволаниш, 2,7 мингги савдо қилиш, 13,1 мингги меҳмон сифатида, 31,6 мингги бошқа масалада чет элларда юрибди. Бу ҳам ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган жиҳат. Шу боис, туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилигида миграция штаби ташкил этилди. Маҳаллаларда ушбу масалага раис ва профилактика инспектори шахсан масъул этиб белгиланади.

Штаб томонидан сектор раҳбарлари ҳамда “маҳалла еттилиги” биргаликда 158 минг мигрантнинг ҳар бири билан бирма-бир гаплашиб, кайфияти, соғлиғи, даромади ўрганилади, қайтиш истаги бор фуқароларнинг манзилли рўйхати шакллантирилади.



Даромади 1000 доллардан кам 42 минг мигрант билан эса алоҳида ишланади. Яъни, уларни мамлакатимизга қайтариб, юқори даромадли иш билан таъминлаш чоралари кўрилади. Хусусан, 4,2 минг нафари касб-ҳунарга ўқитилади, 21,2 минг нафари мавжуд ишга жойлаштирилади, 7,5 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинади, 9 минг нафари хорижий тил ва касб-ҳунарга ўқитилиб, юқори даромадли ишга қайта юборилади. Бу борада ҳозирданоқ таклифлар бўлаётгани эътиборга молик. Хусусан, Нурафшон шаҳрида кўп қаватли уйлар қураётган “Taromush” МЧЖ жамоаси ташаббус кўрсатиб, миграциядан қайтган 35 фуқарони 6-7 миллион сўм маош эвазига ишга таклиф этмоқда.

Бугун Тошкент вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бажарилаётган ишларнинг муҳим ҳамда кечиктириб бўлмайдиган йўналишига айланмоқда. Пировардида, йил якунига қадар 78,9 минг ишсиз фуқаро даромадли юмушларга жалб этилади. Жумладан, “Сайхунобод” тажрибаси асосида 7,8 мингта микролойиҳа учун ажратилган 300 миллиард сўмдан ортиқ молиявий ресурс ҳисобига 34 минг кишининг бандлиги таъминланади.

“Уйчи” тажрибаси асосида тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳар ҳафтада тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳамда фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 33 мингдан ортиқ аҳоли доимий ишга жойлаштирилади. “Зарбдор” тажрибаси асосида туман (шаҳар)ларда мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда 190 та драйвер лойиҳа ишга туширилиши орқали 16,5 минг киши даромадли меҳнатга жалб этилади.

“Ғиждувон” тажрибаси асосида маҳаллаларда аниқланган бўш ер майдонлари ва бино-иншоотларда “тепага ўсадиган” саноат биноларини ташкил этиш ҳисобига 19,5 мингта янги иш ўрни очилади.

Ҳозир вилоятда 22,5 мингта вакант иш ўрни мавжуд. Мисол учун, Бўка туманидаги қуёш фотоэлектр станцияси қурилишида иштирок этаётган “China Datang Overseas Investment Co Ltd” МЧЖда 700 та вакант иш ўрни борлиги эълон қилинган. Ойлик маоши 5-6 миллион сўм атрофида. Янги келганлар шу жойнинг ўзида ўқитилади. Бу ҳам ёшларимиз учун яхши таклиф ва маъқул имконият. Кўрилаётган ушбу чоралар туфайли 9 та ҳудуд – Нурафшон, Ангрен, Олмалиқ, Янгийўл, Оҳангарон шаҳарлари, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Зангиота, Тошкент туманлари ишсизликдан ҳоли ҳудудга айланади.

Умуман, Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифи ҳудуд жамоатчилиги, фаоллари, раҳбарларига катта вазифа ва масъулият юклади. Берилган топшириқлар ижроси эса вилоят имконияти ва салоҳиятини янада оширади. Ҳудуд аҳолиси турмуш шароити яхшиланишига хизмат қилади.

Зиёдбек ЙЎЛДОШОВ,
Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи

Жараён

Бугун мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Президентимиз ташаббуси билан амалиётга жадал татбиқ этилаётган “Камбағалликдан фаровонлик сари” ғояси ҳар бир хонадон, ҳар бир оилага янги ҳаёт нафасини олиб кирмоқда. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” вакиллари, фаоллар, зиёлилар, нуронийлар олдида ўта муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди.

“ЮҚОРИ ЮЗ”НИНГ МАРРАСИ ЮҚОРИ



– Маҳалламизда камбағалликнинг олдини олиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Қибрай туманидаги “Юқори юз” маҳалласи раиси Алишер Болтабоев. – Иш аввалида ҳудудимиздаги эҳтиёжманд 4 та оиланинг уй-жойини таъмирлаб бердик, 2 та чин етим оилага тураржой ажратилди. Йил бошидаги хатловда маҳалламизнинг 26 нафар фуқароси чет элга ишлашга кетгани аниқланган эди. Ўтган давр мобайнида “маҳалла еттилиги” улар билан доимий алоқани йўлга қўйди. Натижада ҳозирда уларнинг 15 нафари уйларига қайтишди. Миграциядан қайтганларни манзилли равишда иш билан таъминладик, ўз тадбиркорлигини бошлашига кўмаклашдик. Эътиборлиси, аввалари ўзи ишсиз бўлганлар бугун иш берувчиларга айланди. Шу билан бирга, “Хорижга иш – маҳалладан” тамойили асосида 25 нафар фуқаро шартнома асосида яхши ҳақ тўланадиган ишларга тартибли тарзда юборилди. Уларнинг тил ўрганиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кетадиган харажатлар қоплаб берилди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” билан биргаликда аҳолига касб-ҳунар эгаллаш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, томорқани юритиш, имтиёзли кредит ва субсидиялардан фойдаланиш маданиятини ўргатяпмиз.

Дарҳақиқат, маҳаллада жорий йилда хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ташаббуси билан 40 нафар аёлга имтиёзли кредит ва субсидиялар берилди, 75 нафар йигит-қизнинг ташаббуси қўллаб-қувватланди, 12 та оиланинг олий таълим муассасасида таҳсил олаётган аъзосига шартнома пуллари тўлаб берилди, 45 нафар хотин-қиз ва 36 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, томорқадан самарали фойдаланиш маданиятини ошириш мақсадида “камбағал оилалар портрети” яратилиб, маҳалладан 6 та оила танлаб олинди. Эндиликда бу оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш чоралари кўрилади. Шу билан бирга, маҳаллада яшовчи 51 нафар ногиронлиги бўлган шахсга, 2 та боқувчисини йўқотган оила, 1 нафар якка-ёлғиз қарияни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда.

Сирасини айтганда, камбағалликни фақат давлат кўмаги билан бартараф этиб бўлмайди, бунинг учун одамларда ҳам шунга интилиш, ўз ҳаётини ўзгартиришга хоҳиш-истак бўлиши зарур. Яъни, фуқаролар ҳам ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши керак. Давлат бугун ташаббус кўрсатган, ўз олдига юксак марраларни қўйган ҳар қандай кишига имкониятлар эшигини очган. Буни “Юқори юз” маҳалласидаги ижобий ўзгаришларда яққол кўриш мумкин.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Таълим

ИЛМГА ИШТИЁҚМАНД ЁШЛАР



Бекобод шаҳридаги ихтисослаштирилган мактабда бугунги кунда 284 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.



– Билим масканимизда ўқувчиларга 29 нафар малакали устозлар замонавий услубда дарс ўтишади, – дейди муассаса директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шаҳноза Шокирова. – Шунингдек, турли фанларга оид тўгаракларимиз доимо ўқувчилар билан гавжум.


Суратда: *рақамлаштириш дастури тўғарағи раҳбари Абдумутал Абдуқодиров ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда.*
Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган суратлар



Сўраган эдингиз

– Қандай ҳолатларда талаба ўқишдан четлаштирилиши мумкин?

Нигина АРСЛОНОВА,
Нурафшон шаҳри



Саволга Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси раҳбари Отабек НАРЗИЕВ жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 393-сон қарори 3-иловаси билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, ўз хоҳиши билан, ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан, ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузгани, бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдиргани сабабли талаба ўқишдан четлаштирилиши мумкин.


Шунингдек, ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмагани сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун), талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилгани муносабати билан, шунингдек, кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузгани каби ҳолатларда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида ҳамда оиласининг бетоб аъзосини, жумладан, отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзандини парвариш қилиш учун талабага Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда академик таътил берилиши мумкин.

Олтин мерос

“Ватан надир, туққон ерим, турғон ерим...”

Бўстонлиқ туманида атоқли шоир, хаттот ва таржимон Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 140 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди.





Сирожиддин Маҳдум Мирзоҳидохунд ўғли Сидқий 1884 йилда Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғида туғилган. Араб, форс тилларини ўрганган. Хаттотликка қизиққан, шеърлар машқ қилган. Унинг поэтик меросининг салмоқли қисмини ҳажвиёт ва ижтимоий шеърлар ташкил қилади.

Хондайлиқ қишлоғида Сидқий Хондайлиқий номидаги кутубхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, вилоят зиёлилари, ижодкорлар, нуронийлар ҳамда ҳудуд фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бу каби эзгу ишлар давомий экани таъкидланди. Хусусан, бугунги кунда ўз умрини ижод ва бадиий таржимага бағишлаган, йиллар давомида кўплаб назмий ва насрий асарлар яратган Сидқий Хондайлиқий меросини ўрганиш, ёшлар ўртасида янада оммалаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иштирокчилар кутубхонада яратилган шароитлар билан танишишди.

Шу куни меҳмонлар “Чорвоқ” оромгоҳида ташкил этилган “Ватан надир, туққон ерим, турғон ерим” номли адабий-маърифий хотира кечасида жам бўлишди.

Кечада юрт маданияти ривожи, миллатнинг руҳий тараққиёти учун ўз ижоди, ибратли ҳаёт йўли, жасорати ва матонати билан ҳисса қўшган забардаст адибларимиз ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг асарларини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, номини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тилга олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо ижодкор қаламига мансуб асарлар жамланган сайланма китоб нашр қилинаётгани ва тез кунда кенг жамоатчиликка тақдим этилишини айтди.

Назм ва наво руҳидаги адабий кечада ижро қилинган мумтоз куй ва қўшиқлар барчада илиқ таассурот қолдирди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

Ўқув-семинар

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ ХАВФСИЗ

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 октябрдаги “Лифтларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги Умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори талаблари, Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ўқув-семинар ўтказилди.



Унда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси вилоят ҳудудий бўлими масъуллари ҳамда лифтларни ўрнатиш, таъмирлаш, созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, синов ишларини олиб бориш рухсатномасига эга бўлган ташкилотлар, вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси ходимлари ва Бошқарув сервис компаниялари, уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.



Семинарда лифт ускуналарини ўрнатиш, сертификатлаш, рухсатнома олиш, давлат рўйхатига қўйиш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда бу борада қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари батафсил ўрганилди.

– Сўнгги йилларда юртимизда кўплаб қурилиш ва бунёдкорликлар бўлмоқда, – дейди вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бош инспектори Иброҳим Комилов. – Маълумки, кўп қаватли бино ва аҳоли тураржойларининг юқори қаватларига зиналардан чиқиб тушиш одамни чарчатиб қўяди. Шунда лифт қурилмалари оғиримизни енгил қилади.

Семинарда маърузачилар томонидан лифтларни ўрнатиш, улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари бўйича иштирокчиларга тушунтиришлар берилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги “2021-2027 йилларда республикадаги кўп квартирали уй-жойларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бундан ташқари, лифт ускуналаридан фойдаланишда юзага келган инсон ҳаётига хавф солувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар лифтдан фойдаланишни тақиқлаш чораларини кўриш, бу борада кўрсатмалар бериш зарурлиги таъкидланди.

Ўқув-семинар якунида меҳнат муҳофазаси тўғрисида қабул қилинган қонунлар, хавфсизлик қоидалари ва Низомлар бўйича давра суҳбати ташкил этилди.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Санъат

Фольклор санъати ўзбек миллий мусиқа маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, асрлар давомида ривожланиб келмоқда. Юртимиздаги каттаю кичик тадбир ёки байрамлар халқ оғзаки ижоди қўшиқларисиз ўтмайди. Бу бетакрор ижрочилик анъаналарини тиклаш, ривожлантириш, авлодларга етказишда фольклор-этнографик жамоаларнинг ўрни катта.

БЕКОБОДНИНГ “КЎЗМУНЧОҚ”ЛАРИ

Бекобод шаҳридаги “Кўзмунчоқ” фольклор-этнографик жамоаси 2018 йилда тузилган бўлиб, 16 нафар ўқитувчи ва ўқувчи ёшлар ҳамда 3 нафар созандадан иборат. Шаҳардаги 11-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби қошида тузилган жамоага Ҳамидулла Хайруллаев бошчилик қилади. Жамоа бугунга қадар кўплаб республика ҳамда халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда қатнашиб, Республикалари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган “Fresh drive” халқаро танловда Гран прини қўлга киритиб, эсдалик совға ва медаллар билан тақдирланди.

2021 йилнинг март ойида жамоа “Янги Ўзбекистон дилларда достон” республика телефестивалида 1-ўринни эгаллади. Айниқса, ўша йили “Одарённые дети” халқаро кўрик-танловда ҳам қатнашиб, Гран прини қўлга киритишгани жамоа учун катта ютуқ бўлди. 2022 йил март ойида Тошкент вилояти ҳокими томонидан ташкил қилинган “Янги Ўзбекистонда – Янги овозлар” кўрик-танловида 1-ўринни эгаллашди.



Жорий йил ҳам жамоа учун омадли келди: “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалида 1-ўрин ва уч ярим минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофотини қўлга киритишди.

Мақола сўнгида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга қадимий урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, шунингдек, турли байрамларни жўшқин ва жонли ўтишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган жамоа аъзоларига кейинги фаолиятларида омад тилаймиз.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган сурат

Эҳтиёт шарт

ТИНКАНИ ҚУРИТУВЧИ ВИРУС

Кунлар совий бошлаши билан аҳоли орасида грипп вируси авж олади. Турли асоратлар билан инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи бу касалликка чалинмаслик мумкинми?

Грипп ўткир респиратор касаллик бўлиб, у асосан нафас йўллари яллиғланиши билан кечади. Касаллик, айниқса, куз ва қиш ойларида кўпаяди.

Грипп вирусининг А, В, С турлари мавжуд. Вирус ҳаво-томчи йўли орқали бемор аксирганда, йўталганда тез юқади. Касаллик нафас йўлларининг яллиғланиши билан бошланиб, кейинчалик беморнинг тана ҳарорати 38-40 даражагача кўтарилиши, бош ва томоқ оғриши, бурун битиши, бурундан суюқлик ажралиши, йўтал, мушакларда оғриқ, ҳолсизлик ҳолатлари кузатилади. Грипп-нинг яширин даври уч кун, шундан сўнг касалликнинг белгилари намоён бўла бошлайди.

Грипп болаларда нафас олишнинг тезлашиши ва оғирлашиши, иштаҳанинг йўқолиши билан кузатилади. Касалликнинг енгил шакли билан оғриган беморлар атрофдагилар учун кўпроқ хавф туғдиради.

Гриппнинг асоратлари инсоннинг тинкасини қуритади. Ўпка тўқималарининг яллиғланиши – пневмония, менингит (мия пардасининг яллиғланиши), отит (ўрта қулоқнинг яллиғланиши) нефрит, пиелонефрит (буйракнинг яллиғланиши) касалликнинг энг хавфли асоратларидир.

Хасталикнинг олдини олиш учун қуйидагилар тавсия қилинади:

– гриппга қарши эмланиш;
– мавсумга хос кийиниш;
– ўз вақтида овқатланиш ва дам олиш;
– хоналарни вақти-вақти билан шамоллатиб туриш;
– илм масканлари ва даволаш профилактика муассасаларида, ташкилот ва идораларда, тураржой биноларида иссиқлик режимига риоя қилиш (хоналарнинг иссиқлик ҳарорати 22 даражадан паст бўлмаслиги керак);
– ходимлар грипп ва ўткир респиратор касалликка гумон қилинганда уларни жамоага қўймаслик;
– ўқув муассасаларида санитария-тарғибот ишларини олиб бориш, хоналарни тез-тез шамоллатиш, танаффус вақтида намли йиғиштирув ишларини олиб бориш;
– касалликка гумон қилинганлар дарҳол шифокорга мурожаат қилиши;
– бемор билан мулоқот қилаётганда ниқоб тақиш;
– бемор кўп миқдорда суюқлик, мева шарбатлари ва витаминга бой таомларни истеъмол қилиши керак.

Гулнора ЧОРИЕВА,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги вилоят бошқармаси врач-эпидемиологи



Зангиота: ўтмиши улуғвор, эртаси нурли

ФАРОВОНЛИК САРИ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 9 октябрь куни Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаси билан танишиб, пойтахтни камида 7,5 миллион одам яшаши ва ишлаши учун қулай шароитга эга йирик мегаполисга айлантириш зарурлигини таъкидлаб, Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Тошкент туманларини пойтахт билан яхлит агломерация асосида ривожлантириш бўйича топшириқ берди.

Ҳа, туманимиз пойтахтга туташ ҳудудлардан. Бизда агломерация (бирор нарса, масалан, ташкилот, корхона ва шу кабиларни бирлаштириш, қўшиш; кўплаб шаҳар ва аҳоли масканларининг ягона шаҳар сифатида қўшилиб кетиши) асосида ривожлантириш борасида барча шароитлар етарли.

Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги қарори билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури тасдиқланиб, бунда “Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият”, яъни, бандлик ва юқори даромад топишга эришиш, таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, яшаш шароитини яхшилаш, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, давлат органлари ходимлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш тамойиллари белгилаб олинган эди. Дастурни амалга ошириш учун тумандаги 3 минг 987 та камбағал оилани бешта йўналиш бўйича ажратиб олдик. Вилоятимиз ҳокими туманимиздаги 425 та камбағал оилани 78 та раҳбарга манзилли бириктириб, ишлаш механизмларини батафсил тушунтириб берди.

Мен ҳам ҳудуддаги 10 та камбағал оилани ўзимга олиб, уларнинг шароити, яшаш тарзи, қизиқишлари, орзу-умидлари билан яқиндан танишдим. Шунда бир нарсага амин бўлдим: жамиятни камбағал ёки эҳтиёжманд оилалардан ҳоли қилишнинг имкони бор. Бунинг учун уларга озгина туртки ва сидқидилдан ёрдам бўлса кифоя. Бунга доимгидек моддий ёрдам кўрсатиш билангина эмас, балки уларни камбағалликдан чиқиб кетишлари учун қўл чўзиш орқали эришиш мумкин. Ўрганган оилаларимдан мисол келтирадиган бўлсам, бир оиланинг уйи жиҳозларидан тортиб кийим-кечакларигача ёниб кул бўлган. Уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатдик. Яна бир оилада 28 ёшли ногирон бор. Уйлари хароб аҳволда. Уларга субсидия асосида уй олиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатдик. Шунингдек, оилага 10 та товуқ бердик, қуёш панели ўрнатдик. Бошқа бир оилада ота вафот этган, она бемор қайнонасига қараб ўтирар экан. Фарзандлари билан суҳбатлашганимизда спортга қизиқишларини айтишди. Уларни спорт тўгарагига боришига кўмаклашдик. Хонадон эгалари томорқасига тўқсонбости экинлар экиши учун дуга, плёнка ва бошқа керакли нарсалар олиб бердик. Аёлни касаначиликка жалб этдик. Бугунги кунда у касаначилик билан шуғулланиб, ўзини анча ўнглаб олди.

Тумандаги бошқа камбағал оилаларга бириктирилган раҳбарлар ҳам шу тарзда иш олиб боришлари натижасида йил бошида ҳисобга олинган 4,7 мингта камбағал оилалар сафи тобора камаймоқда. Режага кўра, жорий йил якунига қадар 891 та оила, келгуси йилда эса 1 минг 114 та оила камбағалликдан чиқарилади ҳамда камбағал оила аъзоларидан 500 нафари иш билан таъминланади. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Масалан, Президентимиз ташриф буюрган “Technologies of real time” корхонасида ҳозирда 220 иш ўрни яратилган бўлса, келгусида турли йўналишларда яна юзга яқин корхона очилиши натижасида 3 мингта, “Мос пекарь” МЧЖнинг фаолияти кенгайтирилиши ҳисобига яна 400 та ишчи ўрни яратилади.

Кўриниб турибдики, аҳолини иш билан таъминлашда тадбиркорларнинг ўрни катта. Ахир, давлатимиз раҳбари: “Иккита иш ўрни яратган тадбиркорни елкамда кўтариб юраман”, – деб бежиз таъкидламаганлар. Туманимизда жорий йилнинг тўққиз ойида юридик мақомга эга 800 та, якка тартибдаги 972 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эса иккинчи ва учинчи чоракда маҳаллий бюджет тушуми 1,5 баробар ортиғи билан бажарилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



МАРРАНИ БАЛАНД ОЛГАНМИЗ

Юртбошимизнинг ҳар доим марани баланд олинг, деган гапларини ўзимга шиор қилиб олганман. Унга амал қилиб, хорижий инвестициялар жалб қилиш режасини ўтган йилга нисбатан уч баробарга ошириб, 120 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 20 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирганмиз.

2024 йилнинг апрель ойида хизмат сафари билан Хитойга бориб, Зангиотага учта лойиҳа доирасида 21,4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиш бўйича келишувга эришдик. Энди туманимизда Хитой билан “SINO-OZBEK LOGISTIC” МЧЖ ХК томонидан “Файз” маҳалласида 5,4 миллион АҚШ долларига логистика маркази, “Zangiota issiqxona” қўшма корхонаси томонидан “Боғзор” маҳалласида 11 миллион АҚШ долларига замонавий иссиқхона, музлаткич ва логистика маркази, “Flagship Group” хусусий корхонаси томонидан “Рамадон” маҳалласида 6 миллион долларга логистика маркази ташкил этилади. Бу корхоналарда 300 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Бундан ташқари, ҳудудий инвестиция дастури доирасида ишга тушириладиган лойиҳалар бўйича жорий йилда қиймати 113,2 миллион АҚШ долларилик 25 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 1 минг 655 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Дастурдаги қиймати 10 миллион АҚШ доллари, иш ўринлари 150 тадан кўп бўлган тўққизта йирик лойиҳага сектор раҳбарлари, қиймати 5 миллион АҚШ долларигача бўлган 16 та ўрта ва кичик лойиҳаларга ҳоким ўринбосарлари шахсан масъул қилиб белгиланган.







Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

Ўтган тўққиз ойда қиймати 14,3 миллион АҚШ долларилик 13 та лойиҳа ишга туширилиб, 445 та янги иш ўринлари яратилди. Инвестиция дастурлари доирасида жорий йил якунига қадар 98,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 12 та, 2025 йилда эса 99,5 миллион АҚШ долларилик 15 та лойиҳа ишга туширилади.

Етиштирилган маҳсулотнинг ўзимиздан ортганини четга экспорт қилиш ҳам долзарб масалалардан. Жорий йилда 122 та экспортёр корхоналар ҳисобига туманда 78,8 млн. АҚШ долларилик экспортни амалга ошириш белгиланган. Мазкур кўрсаткични келгуси йилларда янада ошириб боришни режалаштирганмиз.

Юрт иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли дастурхонини тўкин-сочин қилишда деҳқончиликнинг тутган ўрни катта. Шу боисдан ҳам азал-азалдан мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманимиз мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши билан ажралиб туради. Ҳудудда ҳар йили 8 минг тонна дон, 40 минг тонна картошка, 118,5 минг тонна сабзавот, 95,4 минг тонна озуқа экинлари, 8,5 минг тонна мева, 3 минг тонна узум етиштирилмоқда Яқинда Президентимизнинг Тошкент вилоятига қилган ташрифи давомида ташкил этилган мулоқотда пискентликларнинг томорқасидан йилига беш мартагача ҳосил олаётганликлари эътироф этилган эди. Бизда ҳам шундай. Томорқачиликнинг ҳадисини олиб, йилига 4-5 маротаба ҳосил йиғиштираётган туманимиз аҳолиси билан ҳам фахрланаман.

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ УЧУН

Туман аҳолисининг эллик фоиздан ортиғини келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар ташкил этади. Уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, “Ёшлар дафтари”га киритилган 1 минг 260 нафар ёшнинг барига амалий ёрдам кўрсатилди.

Мактабларда ўқувчиларимиз ҳеч бир камчиликсиз таълим олишлари учун бор имкониятларни ишга соляпмиз. Жумладан, дарс ва тўгарак машғулотлари янада сифатли ўтилиши учун 6 та мактабга янги замонавий компьютер жамланмалари олиб берилди. 7 та мактаб мусиқа асбоблари, 10 та мактаб бадиий адабиётлар, 30 та мактаб спорт инвентарлари билан таъминланди. Тошкент вилояти ҳокими ташаббуси билан ташкил қилинган акция доирасида ота-оналар томонидан мактабларга 20 мингдан зиёд китоб олиб берилди. Шу ҳаракатларимиз боис бу йил олий таълим билан қамров 40 фоизга етди. Келгуси йилда мазкур кўрсаткични янада ошириш ҳаракатидамиз.

Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли тўгараклар, спорт мусобақалари, фан олимпиадалари ўтказиб келинмоқда.

ҲАР КИМ ЯХШИ ЯШАШГА ҲАҚЛИ

Жорий йилда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш борасида “Бодомзор”, “Қаҳрамон” маҳаллаларида 2,5 километр узунликда, “Қурилиш” маҳалласида 1 километр масофада пиёдалар йўлаги барпо этилди. Бунда асосий иш маҳалла аҳолиси томонидан ҳашар йўли орқали қилинганини таъкидлаш жоиз. Худди шу тизим бўйича “Наврўз” маҳалласида 400 метр пиёдалар йўлаги барпо этиш учун маблағ ажратилди. “Бодомзор”, “Қаҳрамон”, “Тариқтешар” ва “Қуёшли” маҳаллалари кўчаларини ёритиш учун чироқлар ўрнатилди.

Мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизини маҳалланинг ўзида қолдиришга имконият яратилган. Маҳалла фаоллари ушбу маблағларни биринчи навбатда кўча ёритиш, пиёдалар йўлаги ва ирригация тизимига ишлатишни таклиф қилмоқда.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилашда ташаббусли бюджет дастури яхши самара бермоқда. Жорий йилнинг биринчи мавсумида 15 та, иккинчи мавсумда 9 та лойиҳа ғолиб бўлди.

Қурилиш борасида ҳам 2025-2027 йиллар учун катта маррани белгилаб олганмиз. Туман марказидаги Амир Темур ва Ойбек номли маҳаллаларда ҳам катта қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

ЭНГ МУҲИМИ – БАНДЛИК

Тумандаги 35 та маҳалла бугунги кунда ишсизликдан ҳоли ҳудуддир. 2025 йил биринчи ярим йиллик якунига қадар қолган 38 та маҳаллани ҳам ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантирамиз.

Олдинги иш фаолиятим мисолида айтсам, 2007-2008 йилларда Чирчиқ шаҳрида меҳнат бўлимида шўъба мудири бўлиб ишлаган давримда имтиёзли кредит ҳам, субсидиялар ҳам йўқ эди, одамлар иш сўраб келса, иш жойи тополмай уялиб қолган вақтлар ҳам бўлган. Ҳозир ҳамма имконият ва шароит бор. Барча муаммонинг ечими маҳалланинг ўзида. Бугун уларда молиявий ресурслар етарли. Биз фақат “маҳалла еттилиги” билан ишимизни тўғри ва тизимли ташкил қилишимиз керак.

Бугунги кунда иш билан таъминлашимиз зарур бўлган 5 минг 410 нафар фуқаро мавжуд бўлиб, уларнинг 1 минг 620 нафари хатловда аниқланган, 3 минг 790 нафарини меҳнат бозорига илк бор кириб келган олийгоҳ, техникум, касб-ҳунар мактаби ва мактаб битирувчилари ташкил этади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги 31 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 2 минг 135 нафар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги 93 та лойиҳа ортидан 1 минг 855 нафар, қишлоқ хўжалигидаги 12 та лойиҳани ишга тушириш ҳисобига камида 500 нафар фуқаро бандлиги таъминланади.

Бундан ташқари, келгусида “Сайхунобод”, “Зарбдор”, “Ғиждувон” ҳамда “Уйчи” тажрибалари асосида 2 минг 980 та янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, бугунга қадар оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 361 та лойиҳага 4,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, 455 та янги иш ўринлари яратилди.

Тумандаги маҳаллаларда эса умумий қиймати 143 миллиард сўмлик 2 минг 158 та микролойиҳа ташкил этилиб, 4 минг 531 та иш ўрни яратилди.

Юқоридаги рақамлар қилинган ишларнинг салмоғини кўрсатиб турибди. Бироқ ҳали ўзга юртда меҳнат қилаётган фуқароларимиз ҳам кам эмас. Бугунги кунда тумандан узоқ муддатга чет давлатга чиқиб, ишлаб, ўқиётган 8 мингдан зиёд фуқароларимиздан имкон қадар тез-тез хабар олинмоқда. Минг доллардан кам даромад топаётганларни ортга қайтариш чоралари кўрилмоқда. Уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш, тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда тил ва касб-ҳунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Бунинг учун туманда тил, касб-ҳунарга ўргатиш, касбий кўникма (дуал таълим) марказлари ташкил этилган.

Келтирган маълумотларим дарёдан томчи, холос. Сатрларга сиғмаган маълумотлар қанча. Туманимиз билан яқиндан танишиш истагида бўлганларга эшигимиз ҳамиша очиқ. Дарвоқе, Занги ота зиёратгоҳига келадиганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзга давлатлардан зиёратга келаётганларнинг нафақат туманимиз, балки жаннатмакон Ўзбекистонимизга бўлган қизиқишлари чексиз. Зиёратчилар учун 16 та ресторан, 11 та меҳмонхона ва 9 та 90 ўринли меҳмон уйлари хизмат кўрсатмоқда.

Жорий йил туризмни ривожлантириш бўйича 3 та 20,2 миллиард сўмлик лойиҳа ишга тушди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” тамойилини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб, саноат, қурилиш ва бошқа барча соҳаларда амалга ошираётган ишларимиз юртимизнинг қудратини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, одамларнинг ўз ҳаётларидан мамнун бўлиб яшашларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Эркин РУСТАМОВ,
Зангиота тумани ҳокими

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 19:30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6